


Ибн Сино жамоат фонди

ОИВ/ОИТС
ХАКИДА
БИЛАСИЗМИ?

ОИВ/ОИТС эпидемияси дунё бўйлаб шиддат билан тарқалмоқда. Айни вақтда ер юзида ОИВ билан яшаётган шахслар сони 33,4 млн.ни ташкил этади.

Ер юзида ҳар куни ОИВ юқтирганлар сони 14-15 минг кишини ташкил этади.



ОИВ - одам иммунтанкислиги вируси

**Вирус одамнинг ҳимоя воситаси
ҳисобланмиш иммунитет тизимини
чуқур жарохатлайди**

**Касаллик манбаи ОИВ инфекциясига
чалинган бемор ва кўринишдан
соғлом вирус ташувчи инсонлар
ҳисобланади**


ОИВ кандай йуллар билан юқади?

ОИВнинг 3 хил юқиш йули мавжуд:

- жинсий
- кон оркали (парентерал йул)
- онадан болага (вертикал).

Жинсий йўл

1. Ҳимояланмаган жинсий алоқа
2. бетартиб жинсий алоқа
3. ғайритабиий жинсий алоқа



Қон орқали

- Гиёхвандлар умумий фойдаланган ва зарарсизлантирилмаган шприц орқали
- Вирус билан зарарланган қон ва унинг таркибий қисмлари қуйилганда
- Зарарсизлантирилмаган жаррохлик, доялик, стоматологик ва бошқа тиббий асбоблар орқали тиббий муолажалар олганда;
- Шприцлар ва игналардан умумий фойдаланилганда;
- Етарлича зарарсизлантирилмаган маиший асбоб-ускуналар орқали;



Онадан болага-вертикал йўл

- ҳомиладорлик даврида (жарохатланган йўлдош орқали);
- туғруқ жараёнида (она қони орқали);
- она сути орқали.




ОИВ билан зарарланганда қандай белгилар намоён бўлади?

ОИВ билан зарарланган шахсда ташқи кўринишдан касаллиги сезилмайди, инсон ўзини соғлом хис этади, касаллик белгилари намоён бўлмайди.

Касалликнинг яширин даври 2 йилдан 12 йил ва ундан ҳам кўпроқ давом этиши мумкин.

ОИВ қандай ҳолларда юқмайди?

- Қўл бериб кўришганда, қучоқлашганда;
- Йўталганда, акса урганда;
- Умумий телефондан фойдаланганда;
- Хашоротлар чаққанда;
- Бассейн, җаммом, хожатхонадан умумий фойдаланилганда;
- Умумий идиш-товоқдан;
- Кийим кечак ва кўрпа – тушак орқали.



ОИТС НИМА?

ОИТС – Орттирилган Иммун Танкислиги Синдроми

О – **Орттирилган:** (наслдан наслга утмаган) ҳаёти давомида орттирилган

И – **Иммунитет:** ОИВ иммунитет тизимини шикастлайди

Т - **Танкислик:** Иммуниетни сақлаб турувчи қондаги ок қон таначаларини танқислиги авж олади

С – **Синдром:** Касаллик белгиларининг мажмуи.




ОИВ инфекциясининг дастлабки белгилари

- * Тана ҳароратининг САБАБСИЗ кўтарилиши (бир неча хафта давомида)
- * Бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида йўталиш
- * Ҳеч қандай сабабсиз озиш
- * Ичнинг кетиши ва уни ҳафталаб, ойлаб давом этиши
- * Умров ости, қўлтиқ ости, чов соҳасидаги лимфа тугунларининг катталашуви

ОФАТдан қандай сақланиш мумкин ?


- * ИНСОН АҲЛОҚАН ПОҚ, ЎЗ ЖУФТИ ҲАЛОЛИГА ДОИМО СОДИҚ БЎЛИШИ, ТАСОДИФИЙ ЖИНСИЙ АЛОҚАЛАРДАН ЎЗИНИ ТИЯ БИЛИШИ ЗАРУР.
- * ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИДАН ЗАРУР БЎЛГАНДА ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ.
- * ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИ ТАЪТИБ ҲАМ КЎРМАНГ.
- * ТИББИЙ, МАИШИЙ АСБОБЛАРНИНГ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛГАНЛИГИГА АҲАМИЯТ БЕРИНГ.



НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК ?

- **БИРДАН БИР ЙЎЛИ ЎЗИНГИЗНИ ВА ЎЗ ЯКИНЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ.**
- **СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА РИОЯ ҚИЛИНГ.**





**Эътиборингиз
учун раҳмат!**